



УЗОҚ УМРНИНГ СИРИ

БИЗНИ СЕХРЛАЁТГАН "ҚУРОҚ" ПАР

ЎЙИНДАН ЎҚ ЧИҚМАСИН

4-бетда

5-бетда

6-бетда

Оила **Ва**

Оила соғлом ва бахтли бўлса, бутун жамият барқарор ва фаровон бўлади.

Ислом КАРИМОВ

21 (1276)-сон 25 май 2016 йил

Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Жамият

Таҳликали, зиддиятларга бой замонда яшаймиз. Атрофимизни турли тафкуравий таҳдидлар ўраб олган. Бундай мураккаб вазиятда ўзликни сақлаб қолишга жаҳд қилган миллат, аввало, бор эътиборини маънавиятга қаратмоғи лозим. Зеро, юксак маънавият – енгилмас кучдир.



XXI АСР – ИНТЕЛЛЕКТУАЛ БОЙЛИК ҲУКМРОНЛИК ҚИЛАДИГАН АСР

Президентимиз истиқлолнинг ilk кунларидан миллий қадрият ва анъаналаримизни, аждодларимизнинг бой маънавий меросини, қадимий обидаларимиз ва муқаддас қадамжоларимизни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодларга безавол етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Инсоният тараққиётига, хусусан, илм-фан, маънавият ва маърифатнинг юксалишига улкан ҳисса қўшган Абдулхалиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Муҳаммад Мусо Хораазий, Аҳмад Фарғоний, Ибн Сино, Абу Райҳон Бериуний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк аждодларимизнинг илмий ва адабий мероси ёшларимиз томонидан тадқиқ қилинмоқда. Уларнинг ҳоклари қўним топган масканлар ободонлаштирилиб, таваллуд кунлари халқаро миқёсда кенг нишонланди. Кўп миңг йиллик тарихга эга Самарқанд, Бухоро, Хива, Қарши, Тошкент, Марғилон сингари шаҳарларимиз юбилейлари тантана қилинди. Адабиёт, кино, театр, мусиқа, тасвирий санъатни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор бугун ўз самараларини бермоқда.

Миллий маънавиятимизнинг мустаҳкам асосларидан бири ҳисобланган таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислохотлар сабаб таълимнинг "Ўзбек модели" халқаро миқёсда эътироф этилаётир.

2012 йилнинг 16-17 февраль кунлари Тошкентда "Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шари" мавзусида бўлиб ўтган халқаро конференцияда иштирок этган 48 давлат вакиллари Ўзбекистоннинг таълим тизimini ислох қилиш борасидаги тажрибасини ўрганиб, Президентимиз томонидан илгари сурилган таълим тизimini ислох қилишга оид принцип ва ёндашувларни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

"Бугун ҳеч кимга сир эмаски, биз яшаётган XXI аср – интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср.

Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва давлат учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса – бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб

қетиши муқаррар. Буни чуқур англаб олган давлат, бундай хулосани чиқарган, халқаро ҳамжамият ва тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қиладиган жамият, биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улдуғ, керак бўлса, энг муқаддас мақсад, деб билади", деб ёзади Президентимиз "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – олий саодатдир" китобида.

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни, "Қадрлар тайёрлаш миллий дастури", "2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури" асосида мамлакатимизда юксак интеллектуал салоҳиятга эга, соғлом ва баркамол ёшлар камолга етмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасига ҳар йили сарфланаётган харажатлар ялли ички маҳсулотга нисбатан 10-12 фоизни ташкил этади. Бу ЮНЕСКОнинг мамлакатни барқарор ривожлантиришни таъминлаш учун таълимга йўналтирилиши зарур бўлган инвестициялар миқдори бўйича тегишли

тавсияларидан, яъни 6-7 фоиздан қарийб икки баробар кўп демек.

2015 йилда 384 таълим муассасасининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қиймати 423 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилди, намунавий лойиҳалар асосида 29 янги умумтаълим мактаби барпо этилди, 219 мактаб реконструкция қилиниб, 136 таси капитал таъмирланди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мана, яна бир ўқув йили якунланаётир. Барча қулайлик ва замонавий шароитларга эга таълим муассасаларида таҳсил олган болажонлар ёзи таътил тараддудига тушган бўлса, умумтаълим мактабларининг 9-синфини битираётган ўғил-қизлар таълимнинг кейинги босқичига йўл олишади. Олий ўқув юрти, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни битираётган ёшларимиз эса мустақил ҳаётга қадам қўйдилар. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, улар "белни маҳкам боғлаб – "мана мен борман", деб майдонга чиқишга тайёр бўлиб туришибди".

Воҳид ЛУҚМОНОВ

ОЧИҚ ОВОЗ БЕРИШ ОРҚАЛИ САЙПАНДИ

Самарқанд вилоят туман ва шаҳарларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови давом этмоқда.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси маълумотига кўра, жорий йилнинг 15 майига қадар вилоят бўйича 290 фуқаролар йиғинида раислар ва уларнинг 2925 нафар маслаҳатчилари сайланган. Шундан 148 нафар маҳалла фуқаролар йиғини раиси биринчи марта сайланди.

Пастдарғом тумани Дўстлик маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам сайлов демократик тамойиллар ва муқобиллик асосида ташкил этилди. 52 нафар вакил иштирок этган мазкур сайловда маҳалла фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилган 2 нафар номзод ўз дастури ҳақида атрофлича маълумот берди.

Очиқ овоз бериш шаклида ўтган сайловда М.Каримов "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб қайта сайланди. Шундан сўнг, вакиллар 18 нафар номзод орасидан 9 нафар маслаҳатчини очиқ овоз бериш орқали сайлашди.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ

Тошкент вилоятининг Пискент туманидаги "Кўлота" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтказилган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови якунланди.

РАИС МАҲАЛЛА ТАШВИШИ БИЛАН ЯШАШИ КЕРАК


– 2700 дан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган ушбу маҳаллада сайлаш ҳуқуқига эга бўлган 1974 нафар фуқаро бор. Улар орасидан 60 нафар вакиллар сайлаб олинди, – дейди "Кўлота" маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ ишчи гуруҳ раиси, туман депутати Шоира Ражабова. – Бугун сайлов жараёнида ҳар қандай вазифа зиммасига юклатилаётган раислар маҳалладошлари билан тиллашиб, ҳамкор бўлиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаётган ҳолатда бўлиши керак. Маълумки, кўрсатилган номзод шу маҳалла муаммоларини яхши билладиган, аҳолига тирган бўладиган инсон бўлиши лозим. Қадриятлар бешиги бўлган маҳалланинг серкирра ва қизгин ҳаёти маҳалла раисининг қобилияти ва изланувчанлигига боғлиқ. Ўтказилган сайлов жараёнида вакиллар маслаҳатчиларни сайлашда ҳам ўз фикрларини билдириб, муносибларни белгилаб олишди. Сайлов якунига кўра "Кўлота" маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб И.Маткаримов сайланди.

Нигора ЎРОЛОВА,

"Оила ва жамият" мухбири

2015-2016 ЎҚУВ ЙИЛИ САРҲИСОБИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан "2015-2016 ўқув йили якунлари: амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги устувор вазифалар" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.



Унда Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида кечаётган изчил ислохотлар, кучли билим, юксак интеллектуал салоҳиятга эга баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўз самараларини бераётгани хусусида сўз юритилди. Тадбирда 2015-2016 ўқув йилида қўлга киритилган ютуқлар, ечимини кўтаётган муаммолар атрофлича таҳлил қилинди.

Таъкидланганидек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ва бир қатор лойиҳалар асосида ўқув йили давомида 1 минг 220 умумтаълим мактабида 12 минг 956 компьютер синфи, 2 минг 603 электрон доска билан таъ-

минлаш ишлари олиб борилди. Ўтган 2015 йилда бошланғич синф чет тиллари хоналари 6 минг 775 тўплам техник воситалари билан жиҳозланди.

Ушбу йилда 28 болалар ва ўсмирлар спорт мактабларини қуриш, қайта таъмирлаш, реконструкция қилиш, замонавий спорт анжумани билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Бунинг самарасида нуфузли халқаро спорт мусобақаларида 479 ўқувчи иштирок этиб, 140 олтин, 83 кумуш, 91 бронза медални қўлга киритди.

Ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш, уларни фан ва касб-хунар тўғрисидаги жалб этиш, турли иллатлар, ёт гоғлар, таҳдидлардан асраш мақсадида электрон дастур тизими амалиётга жорий этилди. Бу уларнинг вақтини назорат қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлаётди.

Барча таълим муассасаларида "Хайр, мактаб – салом, коллеж!" анъанавий тадбирларига қизгин тайёргарлик қўрилмоқда. Бу йил умумтаълим мактабларининг 9-синфини 476 минг 661 нафар ўғил-қиз тамомлайди. Уларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш мақсадида битирувчилар тўғрисидаги маълумотлар e-maktab электрон маълумотлар базасига жойлаштирилди.

Бугунги кунда 225 болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида жами 20 минг 940 спорт секцияси ташкил этилган бўлиб, уларда 265 минг 913 нафар ўспирин ўзларига ёққан спорт тури билан шугулланмоқда.

Ўқувчиларнинг ёғи таътилда бўш вақтини мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун оромгоҳларда махсус конценция асосида машғулотлар ташкил этилади: фан ва соҳавий тўғрақлар ёш авлод маънавиятини юксалтириш, билимларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Барча умумтаълим муассасаларида шу йилнинг 15 июнидан 15 августига қадар ҳафтанинг дўшанба-жума кунлари ўқувчиларнинг ёши ва қизиқишидан келиб чиққан ҳолда маданий ва спорт тадбирлари уюштирилади.

Умид АДИЗОВА, "Оила ва жамият" мухбири



"КИТОБ БАЙРАМИ"ГА МАРҲАМАТ!

Жорий йилнинг 26-28 май кунлари Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда бир қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят марказларида "Адабиётга эътибор – келажакка, маънавиятга эътибор" шиори остида анъанавий "Китоб байрами" ўтказилади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ташкил этилди.

Фестивалнинг очилиши пойтахтимизнинг Ғафур Ғуллом номидаги маданият ва истироҳат боғида бўлиб ўтади. Тантанادا Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этиши кутилмоқда.

Истироҳат боғида ташкил этиладиган махсус майдончаларда 150 дан зиёд нашриёт ва матбаа корхоналари томонидан chop этилган янги китоблар намойиши ва тақдими, адиб ва шoirлар, китоб графикаси бўйича расомлар, муҳаррирлар билан ижодий учрашув ва суҳбатлар, "Энг яхши китобхон", "Китобхон оила" интеллектуал танловлари, "Китоб ўқини ёқтирасизми?" мавзусида ижтимоий сўровлар ўтказилади.

"Китоб байрами" доирасида эркин китоб савдосини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

ГУЛШАН АРО ГУЛЧЕХРАЛАР

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшлар, айниқса, қизлар саломатлиги, уларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши йўлида доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастурида бу йўналишдаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг изчиллигини таъминлаш, қизлар келажак бора-сидаги ғамхўрликни янада кучайтириш, уларнинг оила, жамият, Ватан олдидаги масъулиятини ошириш муҳим вазифа сифатида белгиланган.

Дастурнинг 39-бандида оилада соғлом маънавий муҳитни, ўзаро

ҳурмат-эҳтиром руҳини яратиш, юксак ахлоқий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, ёшларга соғлом турмуш тарзини сингдириш мақсадида академик лицей ва касб-хунар коллежларининг «Ораста қизлар» тўғрагага аъзо ўқувчи-қизлар иштирокида «Гулшан аро гулчехралар» кўрик-танловини ўтказиш кўзда тутилган.

Тошкент шаҳридаги туманларда ҳам мазкур кўрик-танлов юқори савида ўтказилди. Танлов жараёнида тайёрланган сахна кўринишларида иштирокчилар томонидан мамлакатимизда ўқувчи-қизларга кўрсатилаётган меҳр ва ғамхўрлик, уларни 12 йиллик таълим билан тўла қамраб олиш, истеъдодини юзага чиқариш, спортга жалб этиш борасидаги амалий ишлар моҳияти ёшларга атрофлича тусунтирилди. Шу билан бирга,

ёш авлодни турли гоғвий-ахлоқий таҳдидлар, ақидапарастлик, «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялаш, қизларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга эътибор қаратилди.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги 2-академик лицейда бўлиб ўтган кўрик-танловда ушбу тумандаги 10 та ўрта махсус, касб-хунар таълими масканида таҳсил олаётган жамоалар иштирок этди.

– Юртимизда ёшлар истиқболли йўлида тинимсиз ғамхўрлик кўрсатилаётган шундай шароитда ёт гоғлар, турли иллатлар домига тушиб қолмаслик ўта муҳимдир, – дейди ушбу лицей ўқувчиси Анаора Файзиева. – Танлов учун тайёрлаган тақдимотимизда тенгдош дугоналаримизни доимо хушёр ва огоҳ бўлишга, ёшлар учун яратилган шароит ва имкониятларнинг қадрига етишга,



уларга муносиб бўлишга, юртимиз тинчлиги ва оқойишталигини асраш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини ҳаётини мисоллар билан тусунтиришга оид сахна кўринишини тайёрладик.

Кўрик-танловда фюал қизларга фахрий ёрлиқлар топширилди.

Назкат УСМОНОВА, ЎЗА

СОҒЛОМ ОИЛА - СОҒЛОМ ЖАМИЯТ НЕГИЗИ



Соғлом авлод мамлакатнинг қудрати ва ёрқин келажagini таъминлайди. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни жисмонан соғлом ва маънан етук инсонлар қилиб voyага етказишга қаратилаётган эътибор юксак самара бермоқда. Бунинг билан биргана Олмалиқ шаҳри хотин-қизлар кўмитаси фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августда қабул қилинган "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Олмалиқ шаҳрида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар ҳуқуқларини ҳимоялаш, репродуктив саломатликни таъминлаш, оилани ҳар томонлама мустаҳкамлаш борасидаги қонунчиликнинг бажарилиши бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, ишлар тизимли равишда олиб борилаётган. Соғлом бола туғилиши, оралиқ муддатни сақлаш, ҳомилалар аёлларнинг тиббий кўригини сифатли амалга ошириш, эрта туғуруқларни баргараф этиш, экологик маданиятни тартиб қилиш, аёллар спортини ри-

вожлантириш, спорт соҳасидаги мураббий хотин-қизлар сафини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган.

Оилада соғлом маънавий муҳитни шакллантириш мақсадида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда хонадонларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Бу борада оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш баробарида спорт билан мунтазам шугулланиш ҳам беқийёс аҳамиятга эга. Шу боисдан шаҳримиздаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ҳафтанинг ҳар шанбаси уй бекалари учун сузиш тўғрисида ташкил этилган. Давра суҳбатларида тиббиёт ходимлари ва бир қатор мутахассислар иштирокида аёлларимизга сузишнинг инсон саломатлиги учун нечоғли фойдали эканлиги тушунтириб борилаётган. Шунинг учун Олмалиқ кон металлургия комбинатига қарашли бассейнда фойдаланувчи спортсевар аёлларимиз сафи кундан кунга кенгайиб бормоқда. Саъй-ҳаракатларимиз натижаси маҳалладаги диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла шифокорлари, патронаж ҳамшираларнинг ҳар бир оилани ўрганишида яққол сезилмоқда.

Ёшларни оилага тайёрлаш, оила қуриш оstonасида турган

ийгит-қизларимиз онгига оиланинг муқаддас қўрғон эканлигини синдириш мақсадида касб-хунар коллежлари ўқувчилари ўртасида «Оила – менинг олтин қўрғоним» иншолаб танлови, «Соғлом оила – соғлом зурриё, истиқболи порлоқ келажакнинг мустаҳкам пойдевори» мавзусида тадбирлар ўтказилди. «Менинг оилам» мавзусида тасвирий санъат беллашуви, оилалар ўртасида қувноқ шартлар мусобақаси ташкил этилди.

Яна бир муҳим ҳужжатга асосан оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солишга қаратилган «Тўйларимиз ҳақида ўйларимиз», «Тежамкор оила», «Тартибли маросим», «Ибратли тўй» мавзуларида давра суҳбатлари ўтказиб аёнана тусига кирди десак, хато бўлмайди. Олмалиқ шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Маҳалла» хайрия жамоати фонди ва тегишли ташкилотлар, фуқаролик ҳолати долатномадорлини ёзиш органлари ҳамкорлигида ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режасига мувофиқ, кейинги пайтда маҳаллаларда ўтказилаётган «Киз бағми», никоҳдан ўтиш тадбирлари, хайитларда келинларга ҳайитлик жўнатиш ҳамда «Етти», «Йигирма» каби маросимлар қисқартирилди. Иччам, камҳарж тўйларимиз оила қураётган икки ёшнинг келажаги ва бахт-саодати учун қилинаётганини тўй бошиларимиз англаётмоқда. Жойларда яхши

ният билан тўй қилмоқчи бўлган маҳалладошлар дастлаб кўни-қўшниларини хабардор қилиш билан бирга маҳалла раиси ва маслаҳатчисини оғоҳлантириши одатий тусга кирган.

2016 йил шаҳардаги 24 мактаб битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига қамраб олиш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида битирувчилар рўйхати шакллантирилиб, бандликка қўмақлашув маркази билан ҳамкорликда уларни ишга жойлаштиришда амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Жорий йилда шаҳар ҳокимлиги, Олмалиқ кон металлургия комбинати билан биргаликда ишга жойлашмоқчи бўлган ҳамда кам таъминланган оилалар билан боғлиқ ечимини қутаётган муаммолар ҳал қилинди. Шунингдек, ушбу мавзу доирасида шаҳардаги 6 касб-хунар коллежи, 1 академик лицей, 43 маҳалла фуқаролар йиғинида давра суҳбатлари ўтказилди.

Ҳамкор ташкилотлар билан олиб бораётган фаолиятимиз аниқ мақсадга сари йўналтирилгани боис давра суҳбатлари, соҳа мутахассислари билан ташкил этилаётган учрашувларда ёшларимиз ўзларининг муқтақил фикрларини билдиришмоқда. Натижада шаҳримизда одам савдосидан жабр кўрганлар, гиёҳвандлик балосига гирифтор

бўлганлар деярли учрагани йўқ. Эрта никоҳнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар натижасида умумтаълим мактаблари ва касб-хунар коллежларида «Оила – маҳалла – таълим муассасалари ҳамкорлиги» жамоат кенгашлари, фуқаролар йиғинининг voyага етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари эрта турмушнинг олдини олиш бўйича 114 маротаба давра суҳбати ўтказди. Эрта турмуш қуриш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатларига қаратилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида етти ҳолатда эрта никоҳнинг олди олинди.

Оила соғлом бўлса, жамият янада тараққий этиб бораверади. Соғлом оилани вужудга келтириш оса маҳалла фаоллари, таълим муассасаси, тиббиёт ходимлари, сизу бизнинг асосий вазифамиздир. Бу борада ҳамкорликни қучайтиришимиз, ҳар бир хонадонда соғлом маънавий муҳитни яратишда астойдил меҳнат қилишимиз лозим.

Зарифа ХИЛВАТУЛЛАЕВА,
Олмалиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси

ЖАНУБИЙ ВИПОЯТЛАРДА САЛОМАТЛИК КУНПАРИ

Пойтахтимиздан Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига "Саломатлик" поезде жўнаб кетди.

Ушбу тиббий-ижтимоий акция "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ва "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти ҳамкорлигида "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Ўзбекистон-саноат" акциядорлик жамияти ва бошқа муассасаларнинг молиявий кўмагида ташкил этилди.

Халқимизга кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтириш, тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтожларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим йўналишидир.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги эзгу ишлар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ҳам фаол иштирок этаётган.

Мазкур фонд давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида юртимизнинг чекка

ҳудудларига, экологик жиҳатдан ноқулай минтақаларга "Саломатлик" поездларини ташкил этмоқда. Олис қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига мурувват ёрдами ташкил этиш борасида хайрли ишларни амалга оширишмоқда.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига "Саломатлик" поезде бориши муносабати билан ушбу ҳудудларда 25 майга қадар саломатлик кунлари ташкил этилади. Бир ҳафта давомида пойтахтимиздан борган малакали шифокорлар ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фондининг мазкур вилоятлардаги кўма тиббий ижтимоий ёрдам бригадалари мутахассислари томонидан болалар, хотин-қизлар, кўп болали оила аъзолари ва бошқа тиббий-ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни тиббий кўриқдан ўтказиш, хасталик аниқланганларни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилади. Аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тартиб қилувчи учрашувлар ташкил этиш кўзда тутилган.

Ушбу хайрия акцияси давомида аҳолига ва даволаш профилактика муассасаларига озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, дори-дармон, тиббиёт анжомлари, санитария-гигиена воситалари ва бошқа мурувват юкларини етказиб бериш режалаштирилган.

Баҳор ХИДИРОВА

ОИЛА ТОТУВ – ЮРТ ХОТИРЖАМ

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академиясида «Оила институти ва оила қадриятларининг ривожланиш истиқболлари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури доирасида Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси томонидан Республика «Оила» илмий-амалий маркази, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, педагоглар, шифокорлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси ректори М.Алиев, Республика «Оила» илмий-амалий маркази директори вазифасини бажарувчи Х.Мамадалиева, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Д.Мирзажонова, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ф.Абдурахимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оилалар фаровонлигини ошириш, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилишнинг мукамал тизими яратилганини таъкидлади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси вазирликлари ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда оила, таълим муассасалари ва маҳаллалар ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасида тизимли иш олиб бормоқда. Маҳаллаларда ташкил этилган «Оилага кириш», «Саломатлик», «Жинойтчилик профилактикаси», «Таълим ва тарбия», «Вандлик» жамоатчилик секторлари фаолияти натижасида оилавий келишмовчиликларнинг сабаблари ўрганилиб, уларнинг олдини олиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, ёшларнинг бўш вақтини маъмули ўтказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тартиб этиш юзасидан ижобий натижаларга эришилмоқда.

Анжуманда оилага тааллуқли долзарб масалаларни ўрганиш, таҳлил этиш, оилалардаги ўзаро ҳурмат, соғлом ва аҳиллик муҳитини асраш, ёшларни эзгу қадриятлар руҳида voyага етказишда маҳалла, нурунийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни мунтазам, тизимли тарада йўлга қўйишга оид вазифалар белгилаб олинди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

Назokat УСМОНОВА





Оила қуриш инсон ҳаётидаги энг масъулиятли вазифалардан бири ҳисобланади. Маънавият жазда оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, айниқса ёш оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий маънавиятини ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда ҳар бир оила мустаҳкам пойдеворга эга бўлишига эришиш, жамиятда ҳар бир гўдакнинг соғлом туғилиши ва камолга етишини тўла қафолатлайдиган зарур шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, «Оила ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган, халқимизнинг муқаддас урф-одатлари сайқал топадиган, келажак авлод камолотига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир». Конституциямизнинг 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрлиги розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади», дея белгилаб қўйилган. Маскур тамойил асосида мамлакатимизда ои-

ОИЛА ҚУРИШ

лани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, унга моддий ва маънавий қўмак бериш чоралари кўрилоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, йигит-қизларнинг турмуш қуриш ёши оила мустаҳкамлигига таъсир кўрсатувчи асосий омиллардан ҳисобланади. Афсуски, айрим ота-оналар ўзига тўқ оиладан совчи келиб қолса, кизининг оила қуришга тайёр эмаслигини ҳам унутиб қўйишапти. Яқинда шундай воқеанинг гувоҳи бўлдик. Қизи коллежимизнинг 1-босқичида ўқиётганига қарамай, тўй қилиш пайига тушган оиладан хабар топдик. Маҳалла маслаҳатчиси ёрдамида хонадон эгаларига вазиятни тўғри тушунириб, эрта турмуш қуришнинг олдини олишга эришдик. Таълим муассасамизда табибиёт соҳасига мутахассислар тайёрлаб бераётгани боис, бу мавзуда кўпроқ бош қотираемиз. Чунки бошқа йўналишдаги касб-хунар коллежларига ибрат, намуна бўлиш учун бу борада ҳеч қандай ҳатога йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ.

Ўтмишда момоларимиз 14-15 ёшдан турмушга чиқиб, бинойидек рўзгор тутиб кетганлиги тўғрисида гапириб қолишади. Бироқ уларнинг яшаган муҳити, экологининг

тозаллиги ҳам ўша давр кизларининг соғлом бўлишига, ёшлигидан оила-

вий ҳаёт тарзига тедад кўникиб кетишига сабаб бўлган. Ҳозир давр бошқача, экологик вазият тубдан ўзгарган. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, ёшларимизнинг замонавий технологиялар билан мунтазам шуғулланиши, турли хорижий сериаллар, аёл ва эркек ўртасидаги муносабатлар жуда ҳам оддий нарса бўлиб қоляпти. Илгари турмуш қурмокчи бўлган йигит-қизнинг оила тўғрисида қарашлари бошқача бўлган. Маълумотларга қараганда инсон қанча кўп нарса ҳақида керакисиз маълумотларни билса, танаси шунча тез қарир экан. Бугун танаси ана шу маълумотларга қаратилгани туфайли бўй-бастининг ўсиши ва ривожланишига эътиборсиз бўлиб қолаётган. Энг муҳими, барвақт турмуш қураётганлар орасида тушунмовчилик, ажралиш ва хасталиклар кўп кузатилаётган. Бундай кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун коллежимизда барча чораларни қўллаб келаямиз.

Бугунги кунда скрининг текширувлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, болалардаги турли хил аномали-

ялар, айниқса асаб тизими ва генетик нуқсонлар айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ туфайли юзага келмоқда. Бунинг олдини олиш учун, аввало, ота-оналар етарли тиббий билим ва тушунчага эга бўлиши лозим. Баъзи ёши катталаримиз эрта турмуш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатларини кўра билат туриб, шомма-шомарлик ва ўзбошимчалик билан қарор қабул қилишади. Натижада носоғлом фарзандлар дунёга келиб, оилалар ўртасида совуқчилик пайдо бўлади. Ёш келин-куёвлар тушунликка тушиб, кимнингдир ўйламай қилган хатоси туфайли оила пойдевори дарз кетмоқда.

Соғлом турмуш

ва эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, соғлом турмуш тарзи бўйича қимматли маълумотлар бериб келмоқда.

Қиз бола палахмон тоши, қаерга узатсанг, тақдирита кўникиб яшаб кетаверади, деган ота-боболаримиздан қолган гап бор. Бироқ қиз бола тушган жойида яхши яшаб, илдири отиб кетишида оилада олган тарбияси, фаросати, таълим муассасасида ўзлаштирган билими муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам келин қилиш истагида бўлганлар кунда бўлмиш хонадонни обдон сўраб-суриштириши анъанага айланган. Баъзида ўғил уйлантирмокчи бўлиб

ШУНЧАКИ ИШ ЭМАС

Ана шундай салбий иллатларнинг олдини олиш мақсадида Тошкент вилояти хотин-қизлар кўмитаси томонидан соғлиқни сақлаш бошқармаси ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда барча касб-хунар таълими масканларида «Соғлом оила», «Соғлом турмуш», «Бола парвариши» каби мавзуларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилмоқда. Шунингдек, «Репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш», «Оила ва никоҳ», «Соғлом турмуш тарзи ва оила» дарслари йўлга қўйилган.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари қошида ташкил этилган «Оила дорилфунуни» машғулотлари соғлом оилани шакллантириш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу машғулотларда шифокорлар, ҳуқуқшунослар, хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Республика саломатли ва тиббий статистика институти вакиллари ёшларимизга никоҳга табибий қўриқдан ўттишинг аҳамияти, қариндошлар ўртасидаги

қиз қидираётганларнинг ҳамшираларига ўқиган бўлса, янаям яхши бўларди, деган гаплари қулоққа чалинади. Шу сабабдан кизларимизга соҳаси бўйича билим беришдан ташқари, оила масъулияти, қайнона-келин муносабатлари каби ҳаётий кўникмаларни ҳам сингдириб бораемиз.

Қизларимиз оила қуриш ёшига етгунга қадар ҳаётда ўз йўлини топиб оласа, касб-хунар эгаллаб, рўзгор тутиш санъатини ўзлаштириб бурса, биринчи навбатда ота-онасига, келин бўлиб тушган хонадонига, қолаверса, жамиятга фойда келтиради. Шу талабларга жавоб берадиган бўлгуси ёш оналаримиздан ҳар томонлама соғлом фарзандлар дунёга келади.

Ёшларда соғлом ва аҳил оила қуриш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга интилишни рағбатлантиришдек эзгу ишларимиз замирида, аввало, баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам.

Гулчехра

СУЛАЙМОНОВА,

Олмалик тиббиёт коллежининг директор ўринбосари

УЗОҚ УМРНИНГ СИРИ - МЕҲР-МУҲАББАТДА...

Андижон вилоятининг Марҳамат тумани, Шукрмерган қишлоғи одалари узоқ умр кўриш сирини ўғилчаҳон момодан сўрайди. 108 ёшини қарши олган момо, фикрининг тиниқлиги, хотирасининг яхшилиги билан ажралиб туради. Ўғилчаҳон момо Розикова 10 нафар фарзанди, 60 нафар набираси, 80 нафар чевараси, 5 нафар эвараси билан кексалик гаштини сурмоқда.

— Узоқ умр кўриш ҳам бир ҳикматда, болам. Мендан шу ёшга етишинингизнинг сирини нимада, деб сўрасангиз, меҳнатда деб жавоб бераман. Жуда оғир кунларни кўрдим, ҳаётга енгил қарамасдан, бор изтиробларим-

ни меҳнат қилиб енгдим. Уруш вақтлари келинчақ эдим, бир зумда бевага айландим. Иккинчи бор оила қилиб, меҳр-муҳаббатни кўрдим, десам бўлади. Ҳозир айрим инсонларнинг ношуқурлиги, ҳаётнинг паст-баланд синювларига осон енгиллигини кўриб хафа бўлиб кетаман.

Қўлларини дуога очган онаҳон бу кунларга шукроналик, юртимизга тинчлик тилайди. Унинг ажин оралаган қўлларига тикилиб, меҳнатнинг изларини кўргандай бўлдим.

— Турмуш ўртоғим билан 30 йиллик ҳаётимиз давомида бир-биримизга суяч бўлганмиз. Бу қўллар қанча меҳнатни кўрдим, шу меҳнат билан тирик-да. Қишлоқ боғчасида ошпазлик, ўрта мактабда фаррош-



дейман.

Суҳбатимиз давомида уй четидаги гулзорнинг орасига кириб кетган момо: «Болам, шу иш қилиб гаплашайлик май-

лик қилиш билан бирга, маҳалладаги аёллар билан дўшпи тикиб, бозорга олиб чиққанман. Бир жойда кўп ўтириб қолмайман, тез-тез ҳаракат қиламан. Баъзан келинларим: «Онаҳон келин олдик, энди етти қават кўрпачада ўтираемиз», деб қолишса, койиб бераман. «Жонингиз ширин бўлса, фалон пуллик дориларни ичидини хоҳламасангиз, кўпроқ ҳаракат қилинг. Иш қилганингиз ўзингизга фойда».

лими, гулларимга қарамасан, мендан хафа бўлишадими», дедилар. Буни кўрган набира келини Жаннатхон: — Бувим доимо қандайдир иш билан ўзларини овутиб юрадилар. Ўзимиз барча юмушга улгурамиз, дейишимизга қарамайди. Ҳамиша ҳаракат ва меҳнатда бўлгани учун ҳам тетик бўлса керак. Бирор иш бошлашдан аввал, албатта, уларнинг маслаҳатини оламиз, — дейди.

Оиладаги удумлардан бири оила аъзоларининг катта-кичик ишлардан аввал момодан маслаҳат-у, деб олиши экан. Ўғилчаҳон момо кулиб «ҳаммаси йиғилишса уйга сиймай кетади, шу сабаб ҳовлини кенгайтиришим керак» дейдилар. Момонинг бугун шунча фарзандлари эл қорига яраб, онаҳонга раҳматлар олиб келяпти. Бошқаларда қандайлигини билмадим-у, аммо биз, ўзбекларда узоқ умр кўришининг яна бир сирини — фарзандларнинг, авлодларнинг камоли-ю, ота-онага бўлган меҳр-оқибати эканлигини аниқ.

Зилола РАҲМОНОВА

**Гўзаллик бутун оламни қалбга олиб киради-
ган куч ва истеъдодга эга.**

М.СЕРВАНТЕС

Ривоят қилишларича, бир подшоҳнинг ўта ёввойи ва қайсар тулпори бор экан. У шунчалар гўзал ва жозибали эканки, шоҳ ундан воз кечолмас, аммо миниб сайр қилиш у ёқда турсин, ёнига яқин боролмас, ипақдек майин ёлини силашга ҳам журъати етмас экан. Кунларнинг бирида шоҳ бир донишмандга: “Туғилганидан уни кўздан пана қилдим. Энг яхши отхонада ўсди. Беданинг гулини, арпанинг сарасини бердим. Лекин феъли ёмон – олдидан келгани тишлаб, ортидан боргани тепади – ёнига йўлатмайди”, деб дарди-ҳол қилибди. “Бирор марта у табиат кўйида, сой бўйларида, гулу гулзор ичида бўлдимиз?” сўрабди донишманд. “Хайвон учун гулу гулзор, табиат нима керак?” истеҳзо билан қулибди подшоҳ. “Жониворда ҳам юрак, руҳ бор. Гўзал нарсаларни кўрс, хулқи ҳам гўзаллашад”, дебди донишманд. Бу гапдан сўнг шоҳ тулпорни табиат кўйига, пурвиқор тоғлар бағрига, чаманзорларга олиб

тоз адабиётними, бессиелларними? Ёки кейингиларидан қай бири сизга афзал?

Надоматким, бугун аксариятимиз иккинчисига, яъни, замон “қуроқ”ларига гирифтормиз. Бунга ёрқин мисол сифатида кўйидаги бир хил маънодаги икки шеърни келтирдик.

*Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз ўялиб, бошини букиб,
Айтадир: “Мен уни*

*тушда кўрамен,
Тушмда кўрамен –*

*шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир,
ойдан-да гўзал!”*

*Сендай гўзал эмас ҳеч битта малак,
Сендай гўзал эмас энг нозик билак,
Сендай гўзал йўқдир мулки зебода
Сендай гўзал йўқдир дунёда демак.*

Аввал гунча каби юмилган, маржондек нафис дудоклар ибo, ҳаё рамзи сифатида аёллар учун хусн саналган бўлса, ҳозир “ботокс” аталмиш сунъий восита туфайли дўрдайган, чуччайган, бодрокдай бўртиб чиққан лаблар гўзалликнинг чўққисини забт этиб турибди.

Илгари табиат кўйида сайр этишни, завқ олишни ҳордиқ ҳисоблаган инсоният бугун рақамлари ўсиб бораётган “D” отлик манзаралар ошуфтаси: 3D, 5D, 7D...

Ўйлаб кўрадикан бўлсак, биз табиийликдан қочяпмиз, асликдан йироқлашяпмиз, моҳиятдан узоклашяпмиз.

Бу нимадан дарак?

Ушбу саволга жавобни очикча айтиш оғриқли. Сабаби...

...Талабалигимда эстетика фанидан дарс ўтган домламининг ушбу мавзуда келтирган ҳаётий мисоли бир умрга хотирамга муҳрланган: “Гўзалликнинг туб моҳиятини англаш ҳамма учун

манки, гўзалликини англаш – фикрлашга, идрок этишга ундайди. Демак, бугун биз фикрлашдан, идрок этишдан, мулоҳаза юритишдан қочяпмиз. Инсон бошқа жонзотлардан айнан фикрлаш ва дид орқали ажралиб туришини инobatга оладиган бўлсак, қай томонга қадам ташлаётганимизни, бунинг нимадан дараклигини айтишни не сабабдан “оғриқли” деганимни тушунасиз.

Киприк ва қошлар кўз учун ҳимоя эканини унутганимиз, фикрламай қўяётганимизнинг энг оддий далили. Буни яхши билган момоларимиз эса ўсма орқали уларни ўстирган, сурма билан кўз нурини янада равшанлаштирган. Бугуннинг аёллари шуни идрок қилганида табиий қошдан воз кечиб, “татуаж”, “растүшёвка” дея муккасидан кетмаган бўларди.



Ёки бўлмаса, гунча лаблик ҳаё белгиси эканини англаганида, аксига қўл урмасди...

Хулас...

Очиғи, муаммонинг оқибатини сўзлаш, хулосани бериш биров оғир. Сабаби, фикр-сизликнинг, дидсизликнинг қай кўчаларга бошлашини айтмасак ҳам яхши биласиз.

“Бирники – ўнга, ўнники – туманга”, дейди халқимиз. “Оммавий маданият” унсурларини гўзаллик деб билаётганимиз, бир киши эмас, ўн эмас, ёппасига “сунъий”лашаётганимиз неларга олиб келишини энди чамалайверинг. Бу кетишда миллий қадриятларимизга, азалий анъаналаримизга пугур етмай-дими?

Мақолани мутахассис хулосаси билан яқунлашни жонз топдик. Мулоҳаза қилган ҳолда, нималарга ошуфта бўлишни танлаш албатта, ўзингизга ҳавола.

Фаррух Жалилов, психолог:

–Аслида одамларга ташқи гўзаллики баҳолаш осонроқ. Чунки миямиз биз ўйлагандан кўра “дангаса”, у кўзимиз кўрган нарсани шу ҳолича қабул қилишни хоҳлайди. Яъни, таҳлил қилиш, хулосалаш учун вақт сарфлашни истамайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, инсон, асар ёки китобни кўрганича қабул қилади ва онг остида шу тасаввур акс этади. Шу билан биз ташқи кўринишга қараб хулоса чиқарамиз ва аслини билмаймиз. Бугун аксарият ёшларимиз шу ҳолга тушмоқда – сохта гўзалликка ружу қўймоқда. Фикрлаб, мулоҳаза қилиб, аниқ тасаввур ва хулоса чиқармайпти. Бунинг оқибати эса диднинг ўтмаслашувига, маънавий қашшоқликка, онгнинг киралашувига олиб келади.



**Наргиза
УСАНБОВА**

**БИЗНИ СЕХРЛАЙТГАН
“ҚУРОҚ”ЛАР
ёхуд гўзаллик нимада?**

чикибди. Чинданда оз фурсат ўтиб, от ювот тортибди.

Дарҳақиқат, гўзалликнинг қудрати чексиз. Жониворларки гўзалликка ошуфта экан, инсон ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. У кўзимизга қувонч, қалбимизга завқ бериш баробарида руҳимизни тиниқлаштиради. Маънавий оламимизни сайқаллаб, дидимизни юксалтиради. Афсуски, бугун гўзалликка бўлган муносабатимиз, гўзаллик ҳақидаги тушунчаларимиз биров ўзгаргандек. Негадир, кеча гўзал деб билганларимиз бугун қадрини йўқотиб бораётгандек...

**Асл гўзаллик ва
“чатишма”лар**

Бугунги тезкорлик нафақат ёш авлодни ҳатто биз катталарни ҳам чалғитиб қўймоқда. Айнан гўзаллик ҳақидаги тушунчаларимизда ҳам чалқашликлар пайдо бўлаётир. Дабдаба ва ҳашаматни кўрганда озғимиз очилиб, хайратланамиз, “бунча чиройли, жуда гўзал”, дея энтиқиб термуламиз. Аслида бу гўзалликдан эмас, бойликка ружў қўйиш ва кибрга берилишдан бунёд бўлган нарсалар эканини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Унинг моҳиятини англамай, маҳлиё бўламиз. Биргина мисол, оддий телефон ишлатаётганлар ёки бўлмаса эски русумдаги автомобил эгаларини кўрганда ҳеч бир истиҳоласиз пичинг қилувчилар, очикча устидан қулувчилар топилади. Лекин мулоҳаза қилиб кўрсак, ўта замонавий автомашина ҳамда кўп функционали смартфоннинг ҳам асл вазифаси оддийларники билан бир хил. Иккинчисининг фақат ташқи кўриниши жимжимадор, холос.

Албатта, бу каби туб мағзини, негизини англамай кўнгил қўяётган, гўзал деб билаётган нарсаларимиз жуда кўп. Масалан, гўзал асар, гўзал мусиқа, гўзал шеър ҳақидаги тушунчаларимизни қиёслайлик: мумтоз адабиёт намоёндаларининг асарлари ва бессиеллар, мумтоз мусиқа ва замонавий аралаш шовкин (мусиқа деёлмадим), асл ашъорлар ва қораламалар...

Сиз қай бирини гўзал дейсиз? Мум-

Кўпчилигимиз бу шеърлар муаллифларини яхши биламиз. Бугун улардан қай бирининг ўқувчиси кўпроқ? Чиндан-да, биз асл гўзаллик ва давр чатишмаларини адаштириб қўймаймизми?

Гўзаллик сунъийлашадими?

Бугун бу саволга бемалол “Ҳа” деб жавоб бериш мумкин. Сабаби, тараққиёт бизга жуда кўп нарсаларнинг сунъий муқобилларини яратиб берди: пахта ўрнига сунъий тола, тахта ўрнига пластмасса, жонли ижро ўрнига фонограмма...

Афсус, табиий гўзалликнинг сунъийлашганини ҳам инкор эта олмаймиз. Ўсмадан қорайган қош ва киприклар, сурмадан жозиб олган кўзлар бугун “татуаж” туфайли бир умрга ўз қиёфасини ўзгартирмоқда.

зарур. Дейлик, сиз Самарқандни томоша қилгани бордингиз.

Агар асл гўзаллик нелигини билмасангиз Ўри Амир мақбарасининг гумбази, Регистон миноралари, пештоқлардаги кўхна арабий ёзувлар сизда кизиккиш уйғотмайди. Аксинча, нафосат илмидан хабардор бўлсангиз, у ҳолда нафақат уларнинг чиройлилигини, балки гумбаз шунчаки гумбаз эмас, Яратган гўзаллигининг рамзи эканини, у “жамоал” деб аталишини, миноралар – Тангри қудратининг тим-соли ўлароқ “жалол” дейилишини, пештоқлардаги гўзал ёзувлар – оятлар “сифат” деб номланишини эслайсиз ва олаётган таассуротингиз бир неча баробар кучаяди. Зеро, эстетика орқали биз фақатгина кўрганларимизнинг зоҳирий гўзаллигини эмас, балки айни пайтда унинг ботиний – фалсафий моҳиятини ҳам идрок этамиз. Бу юксак ва нафис дид эгаси эканлигимизни англалади...

Мен бу мисолдан шуни тушунган-

ЎЙИНДАН ЎҚ ЧИҚМАСИН

Мулоҳаза учун мавзу

Интернетдан аудио-эртақлар қидира туриб, онлайн-фотошоп имкониятларини тақдим этаётган picjoke.net сайти эътиборимни тортди: «Bolalar uchun toza o'yinlarni izlayapsizlarmi? Mana marhamat! Bizda taraqqiyot etib kelayotgan va kulgili o'yinlar bor. Bunday o'yinlar bolalarni kelajakni ko'rishi uchun va mantiqiy o'ylashi uchun, chiroylik va o'zaro moslik hissiyotini taraqqiyot etishiga yordam beradi. Ular o'zlarining sinfdoshlarini bizning saytdagi yangi suratlardan vaqtni hush qilishi va ajablantirishi mumkin. Bu yerda siz bolalarga o'zlarining eng fotoeffektlarini xayollarini ajablantirishiga yordam berishni topa olasiz».



Халқимиз айрим ҳолатларни тасвирлаганда «на кулишингни биласан, на куйишингни», деган иборани кўп қўллайди. Сайтнинг бош саҳифасида мониторга қалқиб чиққан юқоридаги сўз бирикмаларини ўқиб, ёқа ушлайсиз?

Бола лугат ёрдамида инглиз тилидан ўтирилиб, сайта таҳрирсиз жойланган жумларни бир амаллаб тушуни, ҳам дейлик. У ўғил болалар учун тавсия этилган қайси фото рамкани таялайди, «Qop tekkan bilan Photo ramka va kollaj» деб номланганини, ёки қўлида тўппонча тутиб ҳайқираётган жангарининг

ёнига ўз суратини жойлайдими? Чунки сайтда болалар учун мўлжалланган суратлар орасидан мультфильм қаҳрамонлари акс этган фоторамкаларни деярли тополмайсиз.

Имло хатолари бўйича етакчиликка «даъвогар» game-game.uz сайти тавсия этаётган «eng yaxshi Boys voynushki o'yinlar», «urush haqida o'yinlar», «killer

onlayn» ўйинларидан бола нимани ўрганadi? Қандай маънавий озуқа олади? «Sevgi uchun sozlash», «mening tana», «bugun nima kiyish?», «sizning kelajak chaqaloq» ўйинларидан қизалоқлар қандай «фазилат»ларни ўзлаштиришади?

«Bolalar uchun ta'lim o'yinlar» саҳифасини очсангиз, хилма-хил ўйинларнинг бир-биридан тушунарсиз ном-

ларига дуч келасиз. Қарангки, қорни яланғоч ўқитувчи – «Homilador Elza» болаларга математика сабоқларини ўргатар экан. Агар ўйин мазмуни қизиқтириб қўйган бўлса, марҳамат, тушуниб олишга ҳаракат қилиб кўринг: «A mahalliy do'konga borib, Elza sotuvchi bir mijoz hisob foydalanadi o'zgarishlarni berish payqadim. U jaholat kassiri tomonidan dahshatga

tushib edi! U trigonometriya va organik kimyo bilmaydi, lekin shart yodda, kiritish va olib tashlash uchun, deylik. Qor malikasi bir maktab o'qituvchisi bo'lishga qaror qildi, shuning uchun. Uning matematika saboq tashrif buyuring!» Хорижий сайтлардан юклаб олинган ўйин қондаларини инглиз тилида қолдиришганда болалар яхшироқ тушунишармиди балки.

«Хар бир таъбга мос бир неча минг ўйин жамланган» gamerain.net сайти болаларни эъравонлик тарғиб этилган ўйинларга таъоман боғлаб қўймоқчи кўринади: «отишлар, уруш-уруш, пойғалар, мушғлашишлар», «ўзингизни турли оламларнинг қаҳрамони сифатида ҳис қиласиз, зериккишдан қутуласиз ва вақтингизни чор ўтказасиз». Шу каби сайтларнинг таъсирида мактаб ўқувчилари дарс қилиш, китоб ўқиш ўрнига турли флэш ўйинларга муккасидан кетмаётганмика?

Тўғри ота-оналар эъравонлик, шафқатсизлик ва ҳатто енгилтақлик тарғиб қилинаётган ўйинларни тақдим этаётган сайтларнинг фаолиятига таъсир ўтказиш имкониятига эга эмас. Бироқ фарзандлари учун макбул ўйинларни танлаб беришлари, болада ўзбек тили қондаларига амал қилинмаган ҳар қандай жумлани ажратганда олиш кўникмаларини шакллантиришлари керак.

Зилола ОМОНОВА, журналист

Аудио-видео дисклар бозори чаққон маҳсулотлар сирасига киришини яхши биламиз. Аҳоли гавжум жойларда, бозорларда, автомобилларга ёқилги қўйиш шохобчаларида маънавий қиймати ҳам, сифати ҳам паст дискларни сотаётган йигитларни тез-тез учратиш турмамиз.

Дисклар савдоси билан ноқонуний шугулланаётган, фақат пул топишнигина ўйлаётган кишилар нафақат давлат қонунларини, балки инсонларнинг онгу тафаккурини, дунёқарашини ҳам бузаётганини кўпам ўйлаб ўтирмайди. Улар бундай аудио-видео маҳсулотлар миллий қадрият ва анъаналаримизни оёқ ости қиладиган мафкуравий курол эканини хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Энг ёмони, «Оммавий маданият», индивидуализм, эгоцентризм сингари иллатлар билан суғурилган бундай маҳсулотлар савдосига асосан ёшлар жалб қилинган.

Айни пайтда Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси томонидан бозорлар, автошоҳбекат, умуман аҳоли гавжум жойларда ноқонуний дисклар сотилишининг олдини олиш юзасидан

НОҚОНУНИЙ ДИСКЛАР — МАЪНАВИЯТ КУШАНДАСИ



ўтказилган ана шундай назорат тадбирлари натижасида давлат рўйхатидан ўтмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган

51 қонунбузарлик ҳолати аниқланди ва уларга нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилди.

Ушбу ҳолатда жами қиймати 98 миллион 158 минг сўмни ташкил қилган 32 минг 522 донга турли мазмундаги дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Аниқланган қондабузарлик ҳолатлари юзасидан 39 нафар шахсга нисбатан маъмурий тартибда жарималар қўлланилди, 5 нафар шахсга нисбатан тегишли тартибда жоний иш қўзғатилди.

Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси ходимлари томонидан ташкил этилган навбатдаги назорат тадбирида яна бир сохта тадбиркорнинг фаолиятига чек қўйилди. Бувайда тумани, «Янгикўрғон» қишлоқ фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи фуқаро М.Ражабов (исм-фамилияси

ўзгартирилган) туман марказида ҳеч қандай ҳужжатларсиз, махсус лицензиясиз умумий қиймати 4 миллион 594 минг сўмлик DVD ва VSD дисклари билан савдо қиладигани аниқланган ва ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Тўпланган ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, Бувайда тумани прокуратурасига қонуний чора кўриш учун юборилган. Ушбу ҳолат юзасидан 2016 йил 27 февраль куни Бувайда тумани прокуратураси томонидан фуқаро М. Ражабовга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 190-моддасига асосан жиноят иши қўзғатилган.


Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда миллий маънавиятимизни янада бойитиш, таълим-тарбия тизimini тубдан ислоҳ қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бундан қўзланган мақсад юртимизда юксак интеллектуал салоҳиятга, соғлом фикр, соғлом дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Юқоридаги каби салбий ҳолатлар нафақат иқтисодий, балки маънавий, мафкуравий жиҳатдан ҳам зарарли ва хавфлидир. Шундай экан, бундай иллатларга қарши курашиш ҳар биримизнинг бурчимиз эканини унутмаслигимиз лозим!

Сарвар ГИЁСОВ,
Фарғона вилоят Давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси

мунтазам равишда назорат тадбирлари олиб борилаётгир. Жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳудудида

ОТАЛАРНИНГ ОЛТИ ОЛТИН ЎГИТИ

насиҳатларига, маслаҳатларига эҳтиёж сезади.



Кўлланмадаги суҳбат мавзуси бола ҳаётида нима янгиликлар рўй бергани, унинг нималарга қизиқиши, дўстлари ким, у қандай машғулотларни, ўйинларни, қайси фанларни хуш кўради, келажакда ким бўлмоқчи экани ҳақида. Суҳбат якунида ота ўзи чиқарган хулосага кўра фойдали маслаҳатлар бериши, ўғит-насиҳатлар қилиши жоиз.

Отанинг фарзандига берган ўғитлари қуйидаги олти мавзунга қамраб олган: “Одобли – элга манзур”, “Яхши сўз – жон озиғи”, “Хунардан унар”, “Кийиниш одоби”, “Муомала маданияти”, “Керак ҳар илмин бўлмоқ хабардор”. Ушбу мавзулар хусусида батафсил маълумот бериш учун 6-ўғитдан мисол келтирсам: “Би-

танбех асосида улғайса, отасига бўлган қўрс-қўпол муомаласидан хайратланмасак бўлади. Чунки, фарзанд – ниҳол. Боғбон қандай парвариш қилса, шундай мева олади.

Биз учун қўлланма оталарга қандай таъсир кўрсатишини билиш жуда қизиқ. Шу боис Андижон шаҳар Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 31-мактабда ўтказилган «Оталар мажлиси» йиғилишида қўлланма тарқатилди ва у ҳақда мулоҳазалар тугилса, ёзма равишда мактаб маъмурияти орқали тузувчиларга етказиш сўралди.

Мажлисдан сўнг “Оила” илмий-амалий марказининг электрон манзилига бир қанча мактублар келиб тушди.

“Ассалому алайкум. Мен Арзикулов Тўланбойман. 31-мактабда икки фарзандим ўқийди. Мен “ўғит”ларни ўқиб чиқиб, анча мулоҳазага толдим. Ҳақиқатан ҳам, фарзандларимизни болалигиданок нимага ўргатсак, улар аста-секин шу нарсага одатланади. Бола бошидан, деган мақол бежиз эмас. Қуш индида кўрганини қилади, деганларидек, биз уйда нима қилсак, оила аъзоларимиз билан қандай мулоқотда бўлсак, улар ҳам улғайган сари шу нарсаларни такрорлайди. Фарзандларимиз тарбиясида устозларнинг ҳиссаси катта. Уларнинг кийинишига ҳам катта эътибор беришимиз лозим. Мактабга қандай кийимда

Оила мактаби

кетяпти – бунини ўз назорати-миздан четлаштирмаслигимиз керак. Мен фарзандларимни келажакда юртга садоқатли, ақл-заковатли, соғлом бўлиб етишиши учун бутун куч-гайратимни сарфлайман”.

“Оталарнинг олти олтин ўғити” китоби чоп этилгач, бизга турли муассасалардан шу мавзуда матбуза ўқиш учун таклифлар туша бошлади. Бундан кўринадики, мавзу долзарб ва бундай мулоқотга эҳтиёж бор. Шу боисдан биз тадқиқотларимизни кенгайтириб, “Оталикнинг олий мақоми” деб номланган рисо-лана чоп этилишига ҳаракат қилдик. Рисолада оталарга фарзанд тарбиясида зарур бўладиган фикрлар, турли ривоятлар, халқ мақолларига кенг ўрин берилган.

Одатда мактовга лойиқ иш қилсак, одамлар: “Отанга раҳмат!” дейишади. Бу сўз замирида чукур маъно муҳасам. Болаликданок отамизга муносиб фарзанд бўлишни, унга ўхшашни хоҳлаймиз. Отамизга айтилган раҳмат ана шу эзгу интилишларимиз самарасидир. Республика “Оила” илмий-амалий маркази томонидан олиб борилаётган бу каби ишлар ОТА деган юксак номга сазовор инсонларнинг фарзандлари билан янада яқин ва ҳамфикр бўлишига ёрдам берса, ажабмас.

“Оила ва жамият”

муҳбири
Камола АДАШБӨЕВА
ёзиб олди.

Қадриятлар қадр топган ўзбек хонадони борки, унда отанинг ўрни беқиёс. Ота деганда кўз олдимизга нигоҳлари ўткир, сўзлари салмоқли инсон келади. Уларнинг бир оғиз сўзи онамизнинг мулойим муомаласига, ака-опаларимизнинг ҳар бир гапни ўйлаб, ишни эътибор билан бажаришига сабаб бўлади. Бироқ, айрим оилалардаги ота ва она муносибати, фарзандлар ўртасидаги келиш-мовчиликлар кишини биров ўйга толдиради. Ана шундай ҳолатларни эътиборга олиб, оилада ОТА мақомининг нечоғлиқ муҳимлигини ёш авлод онгига сингдириш

мақсадида Республика “Оила” илмий-амалий маркази “Оталарнинг олти олтин ўғити” қўлланмасини ўқувчилар эътиборига ҳавола этди. Марказнинг “Оила маънавияти асослари” бўлими муdiri Мунаввара ЁҚУББЕКОВА рисола ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди.

– Оталарнинг фарзандлари билан самимий суҳбат қуришлари учун “Оталарнинг олти олтин ўғити” қўлланмасини тайёрлашда панднома усулидан фойдаландик. Кўп ҳолларда оталар иш билан бўлиб, фарзандларига кам вақт ажратишади. Ваҳоланки, оилада ўғил бола кўпроқ отанинг

орота фанини ортиқча деб билманг. Уни эътиборингиздан соқит қилманг. Бор диққатингизни қаратиб, зеҳнингизни қўйсангиз, ҳар қандай фанини ўзлаштириб оласиз. Муҳими, бу фанлар сизнинг камолотингиз учун зарурлиги ёдингиздан чиқмасин”. “Учинга қанот керак, ўқишга тоқат”, “Чала савод – чирки равот” ва шунга ўхшаш мақоллардан ҳам фойдаланилган. Айрим оталарга боласини ёнига олиб насиҳат қилиш эриш туюлиши, кексаларнинг ишида кўриниши мумкин. Лекин, болани сўқиб, уриб тўғри йўлга солмоқчи бўлса-ю, эртага у ана шу

СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

– Ўнг тарафимдаги қовурга остида қаттиқ оғриқлар бор. Бирон иш қилмоқчи бўлсам, санчиб оғрийди. Бу қандай касаллик бўлиши мумкин?
Гулчеҳра Алиева,
Тошкент вилояти,
Ангрен шаҳри

Асемгул Карабекова, терапевт шифокор:
– Ўнг қовурга остида жигар билан ўт пуфак жойлашган бўлади. Оғриқлар нима сабабдан юзага келаятганини аниқлаш учун энг аввало, тиббий текширувлардан ўтишингиз лозим. Бу касаллик кўпроқ ёғли ҳамда хамирли овқатларни меъридан ортиқ миқдорда истеъмол қилиш натижасида юзага келади. Қолаверса, ўт қоғида шамоллаш бўлса ҳам ўт йиғилиб, туриб қолши ҳисобига ҳам санчиб оғришлар кузатилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Тиббий текширувлардан сўнг, шифокорнинг қўйган аниқ ташхислари асосида ичакларни даволаш муолажаларини олиб бориш зарур. Ўнг қовурга остида пайдо бўладиган оғриқлар ўт пуфакнинг шамоллаши-сурункали холецистит, жигарнинг шамоллаши-сурункали гепатит касаллиги бўлиши мумкин.



– 10 йилдан бери бошимнинг бир тарафи қаттиқ оғриб туради. Бир неча мартаба шифокорларга мурожаат қилдим. Улар мигрень касаллиги деб ташхис қўйишди. Олган муолажаларим маълум вақтгача таъсир қилади, аммо яна оғриқлар такрорланаверади. Танишларим бу дарддан буткул халос бўлиш қийин, деб айтишди. Шу ростми? Буни буткул даволаб бўлмайдими?
Лобар Зарипова,
Сурхондарё вилояти, Бандихон тумани

Гулшода Абдуллаева, олий тоифали шифокор невропатолог:
– Мигрень касаллиги бош мия қон томирларида ўзгаришлар пайдо бўлиши ҳисобига юзага келади. Мигрень хуружи тушкунлик, асабийлик, безовталик, иштаҳасизликдан бошланади. Бош оғриғи бошнинг бир қисмидан (чақкадан, пешонадан) бошланади ва симиллаб оғрийди. Кейинги 2-5 соат ичида оғриқ кучайиб, симиллашдан пульсация қилишга ўтади. 60-65 фоиз ҳолатларда оғриқ бошнинг бир томонидан бошланади, кейин эса 30-35 фоиз ҳолатларда бошнинг иккинчи қисмига тарқалади. Энг кучли бош оғриғи 5-6 соатгача давом этади ва шу вақтда кўнгил айниши кузатилиши мумкин. Бу хасталик билан оғриган беморлар доимо невропатолог назорати остида рўйхатда туриши ва даволаниш муолажаларини тўхтатмаслиги керак. Кўп ҳолларда бу касалликни даволатгандан сўнг яна пайдо бўлгани кузатилади. Бу асосан инсон нимадандир қаттиқ сиқилиши натижасида стресс ҳолатга тушиб қолганида, миёда толиқишлар юзага келганида ёки об-ҳавонинг ҳаддан ортиқ исб кетгани оқибатида қайтадан такрорланаверади. Кучли оғриқ вақтида юз қизариши, кўз ўки қон томирларининг кенгайиши, кўз атрофи кўқариши кузатилади. Мигрень касаллиги кўп ҳолларда ирсий ёхуд чарчаш натижасида юзага келгани сабаб, шифокорлар томонидан бош миёда қон айланишини яхшиловчи муолажалар, дори-дармонлар олиш тавсия этилади. Мигрень хасталигида бошда қаттиқ оғриқлар бўлади. Шунинг учун ҳам бундай беморларнинг тезроқ соғайиши ва касалликни иложи борича қайталанмаслиги учун оилада тинч, осойишта муҳит яратиб берилиши, шовкин-сурон қилмаслик лозим бўлади. Мигрень хуружи буткул йўқолиб кетмаса-да, уни даволаш қанчалик эрта бошланса, самараси ҳам шунча юқори бўлади.



Ширинхон МЎМИНОВА тайёрлади

– Нихоҳ ёшига етмаган шахсни турмушга бериш ёки уйлантириш қонунни таъқиқланган дейишди. Умуман олганда, ниҳоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қандай чоралар қўлланилади?
Шарифа Мусаева,
Жомбой тумани

Наргиза Нурназарова, Самарқанд вилояти, Жомбой туман ФХДЁ бўлими мудираси:

– Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 1251-моддасига кўра, ниҳоҳ ёшига етмаган шахс билан ҳақиқатда ниҳоҳ муносибатларига киришиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан ниҳоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ёхуд уйлантириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд тўрт ойгача қамоқ билан жазоланади.

Нихоҳ ёшига етмаган шахс билан ниҳоҳ тузишга доир диний маросимни амалга ошириш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.



Бугуннинг гапи

Умумтаълим мактабларининг 9-синфини битираётган ўғил-қизлар “Сўнги кўнғироқ” садоси остида таълимнинг кейинги босқичи – касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга йўл олади. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонунининг 12-моддасида “Умумий ўрта таълим билимларининг зарур ҳажмини беради, мустақил фикрлаш, ташкилотчилик қobiliяти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиради, дастлабки тарзда касбга йўналтиришга ва таълимнинг навбатдаги босқичини танлашга ёрдам беради” дейилади. Қизиқиш ва иштироки, иқтидор ва интеллектуал салоҳиятига кўра таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинган ёшлар уч йил давомида 2-3 та замонавий касб-ҳунар элеси бўлиб, мустақил ҳаётга қадам ташлайди. Албатта, унга ҳали гап кўп. Олдинда давлат имтиҳонлари, энг муҳими, уч йиллик таълим кутиб турибди уларни.

Эҳтимол гапни бир оз узокдан бошлагандирмиз, бироқ аниқ мавзу, яъни 25 майдан кейин авжига чиқадиган “Битирув оқшомлари” хусусида сўз юритмоқчимиз. Тўғри, 9 йил давомида бир оила фарзандларидек бирга билим олган дўста дугоналар, таълим-тарбия берган устоз-мураббийлар, жонаҳон мактаб билан хайрлашиш осон эмас. Шу боис мактабларда “Сўнги кўнғироқ” тадбирлари ташкил этилади, таълимнинг кейинги босқичига ўтаётган ёшларга оқ йўл тиланади. Бироқ турли таъқиқлар, жамоатчиликнинг эътирозларига қарамай, мактабларда уюштириладиган тадбирларга қаноатланмай, турли кафе ва ресторанларда “Битирув оқшомини”ни ўтказиш анъанаси номаъқбул удумлар билан бойиса бойияптики, барҳам топгани йўқ. 9-синфини битириб, руҳан ўзларини мустақил инсон сифатида баҳолай бошлаган ўғил-қизларнинг кечки базмлари, қимматбаҳо машиналардан тузилган кортежлардаги тунги сайрлар, ялтир-юлтур либосларда кўча тўлдириб юришлар... булар ҳамон давом этмоқда.

Улар битирувчи эмас

Ханифа САЛИМОВА, Шайхонтоҳур туманидаги 39-мактаб ўқитувчиси, 9-синф раҳбари:

– Умумтаълим мактабларининг 9-синфини

билан “хайрлашув кечалари”ни дабдабали, серчиким қилиб ўтказмаслик юзасидан кўрсатмалар келади. Мактаб маъмурияти ушбу кўрсатмаларни сўзсиз бажаришга ҳаракат қилади. Бироқ мактабдан ташқарида, ота-оналар руҳсати билан бундай тадбирлар ўтказилишини барчамиз яхши биламиз. Бу борада ота-оналарга эътирозимиз бор.

“Бир умрга татиғулик оқшом” нархи

Бехозд ТУРСУНОВ, журналист:

– Тан олиш керак, йил бўйи турли йиғ-йиғлардан ота-оналар зада бўлиб кетган. Дабдабали “Битирув оқшомини”, синф раҳбарига қимматбаҳо эсдалик совғаси, дарс берган бошқа ўқитувчиларга совға, кафеда базм... Бугунги кун ўқитувчиси ўз ўқувчисининг келажаги, тарбияси ҳақида фикр юритяптими ёки ўқув йили сўнгида «оқшом»ни бошқа синфларникидан кўра дабдабалироқ, «бир умрга татиғулик» қилиб ўтказиш ҳақида ўйлаётими? Аслида, инсон онгида нима «бир умрга татиғиди»? Тафаккур, маънавий ва ахлоқий тушунчалар эмасми? Мактаб ўқувчига фақат билим берибгина қолмай, тарбияни ҳам устоз мисолида ўргатиши керакмасми? “Биз бундай дабдабаларга қаршимиз”, деган айрим ўқитувчилар нега кафе ва ресторанларда давранинг тўрида кўр тўкиб ўтиришади?

Билимлар байрами бўлсин

Раъно ХАЙРИДИНОВА, ҳамшира:

– Тўққизинчи синфда ўқиётган фарзандининг “Битирув оқшомини” базмига бир ойлик маошини сарфлаётган айрим ота-оналар боласининг маънавий дунёсини бойитиш учун асқотадиган китобга 10-15 минг сўмни оғринмай сарфлай олармикан? Афсуски, бу саволга ҳамма вақт ҳам ижобий жавоб беролмаймиз. Умуман олганда, бу кўп ва хўп муҳокама қилинган мавзу. Яна бир томонини эътибордан четда

бошогриқлар қаторига кириб қолди. Йигирма бешинчи май куни, айрим жойларда эса давлат имтиҳонларидан сўнг тўққизинчи синф битирувчиларининг ур-сур, шовқин-суронидан гарангсиз қоласиз. Гўё улардан бошқа одам мактабни битирмагандек. Гўё мактабни битириб оламшумул бир вазифани қойиллатгандек шовқин солишади. “Болам бировдан кам бўлмасин”, деб дабдабали оқшом уюштирган эмас, аксинча, фарзандининг маънавий камолоти, саломатлиги, келажаги учун маблагини аямаган ота-она ҳақиқий инсонни камолга етказди.

Талаба бўлишганида байрам қиламиз

Муқаддамхон АБИДОВА, Тошкент шаҳридаги 92-мактаб ўқитувчиси:

– Бугунги ёшларнинг дунёқараши мутлақо ўзгарган. Ўқувчиларимиз фойда-зарар, яхши-ёмонни айрим катталардан кўра яхшироқ билади. Тўққизинчи синфга раҳбарман. Ўқувчиларим академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга киришга астойдил тайёрларлик кўрмоқда. Улар: “Устоз, ҳаммамиз олий ўқув юрти талабаси бўлганимизда чиройли тадбир қилиб нишонлаймиз”, дейишганида кўзларимга ёш келди. Илоҳим, юртимиздаги барча ўғил-қизлар қаторида Менинг ўқувчиларим ҳам орусига етиб, эл-юрт қорни ғайрийдиган инсонлар бўлиб етишсин!

ХУЛОСА ўрнида

Биз кўпроқ “Битирув оқшомлари”нинг моддий

“БИТИРУВ ОҚШОМИ” БОШ ОҒРИҒИМИ?

ёхуд “сўнги кўнғироқ” дан сўнги мулоҳазалар



тутаётган ўқувчиларга битирувчи деб қараш тўғри эмас. Давлатимизда 12 йиллик мажбурий таълим жорий этилган бўлиб, умумтаълим мактабларининг тўққизинчи синфини тамомлаган ўқувчилар касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда мажбурий таълимни давом эттиради. Аввало бунга ота-оналар тўғри тушунилари ва ўз ўрнида фарзандларига тўғри тушунтиришлари лозим. Ҳар ўқув йили сўнгида мутасадди идоралар томонидан тўққизинчи ва тўртинчи синф ўқувчилари

қолдирмаслик керакки, кенг миқёсда олиб борилаётган тартибот-ташвиқот ишлари самараси ўлароқ, баъзи жойларда тўққизинчи синф ўқувчилари билан боғлиқ тадбирларда маълум даражада тартиб-қоида ўрнатилган. Бироқ ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Умид қиламизки, бу йилги тўққизинчи синф битирувчилари “Битирув оқшомини” тадбирларини манманлик ва худбинлик тантанасига эмас, маънавият ва салоҳият намойиши бўлган ҳақиқий билимлар байрамига айлантиради.

Келажак учун йўналтирилган инвестиция

Малоҳат ТЎЙЧИЕВА, уй бекаси:

– Куйгули ва кулгули томони шундаки, айрим ота-оналар ортиқча сарф-харajat талаб қиладиган дабдабали маросимларни ўзлари ўйлаб топиб, ҳаётга тadbик этишади-да, кейин ўзлари чидай олмай (махалла фаоллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари билан бирга) номаъқул удумларга қарши курашиб юришади. “Битирув оқшомини” ҳам ана шундай дабдаба вазвасига дучор бўлганлар томонидан кашф қилиниб, энди

жиҳатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларни келтирдик. Аслида бундай тадбирларнинг маънавий зарари, ўзларини “битирувчи” дея ҳисоблай бошлаган ёшлар руҳиятига кўрсатадиган салбий таъсири, “қизим мактабни битирди, шунча ўқигани егади” деб, фарзандининг келажагини хавфга қўяётган айрим калтабин ота-оналарнинг давлат қонунларини бузётгани хусусида гапирсак тўғрироқ бўлар эди. Негаки, Юртбошимиз “...Маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни оқсатириш, миллий уйғониш гоёсини рўёбга чиқарадиган янги авлодларни вояга етказиш Давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади”, дея таъкидлаб, “бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак”лигини қатъий уқтиради. Шундай экан, фарзандларимизнинг “Битириш оқшомини”ни дабдаба билан ўтказиш устида эмас, уларнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари хусусида бош қотирсак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Умид АДИЗОВА

Oilavajamiyat

Ижтимоий-сиёсий,
маънавий-маърифий газета

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, “Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш” ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия фонди

Бош муҳаррир:
Воҳид Лукмонов

Обуна
индекси – 176

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент – 100000.
Амир Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй.

Қабулхона: (факс)
233-28-20, Котибият:
233-04-35, 234-76-08

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

Газета 2013 йил 20 мартда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 10-2995 рақами билан рўйхатга олинган. Буюртма Г – 536. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади – 6342. Ваҳоси келишилган нархда.

Босишга топшириш вақти – 15:00 Топширилди – 15:00

Масъул муҳаррир: О. Жумабоев

Мусаххилар – С. Сайдалимов,

К. Адашбаева

Газета таҳририят компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди

Саҳифаловчи – А. Маликов

ISSN 2010-7609

